



“9” март 2021 й. № 02-06/1093

**Ташқи реклама объектлари
(конструкциялари) эгаларига,
ташқи реклама билан шуғулланувчи
реклама агентликлари**

Нусхаси: **Қорақалпоғистон Республикаси
Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва
Тошкент шаҳар ҳокимликлари**

«Худудий электр тармоқлари» АЖ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 20 февралдаги “Ташқи реклама бозорини тартибга солиш тўғрисида”ги 104-сонли қарори билан ташқи реклама объектлари (конструкциялари) жойлаштириш бўйича тартиблар тасдиқланган.

Жумладан, ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) куриш тартиби тўғрисида Низомнинг 15 бандида – юқори кучланишли электр узатиш линиялари остида ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) ўрнатиш Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 26 декабрдаги 1050-сон қарори билан тасдиқланган Электр тармоғи хўжалиги объектларини муҳофаза қилиш қоидаларига мувофиқ амалга оширилиши белгиланган.

Мазкур қоидаларга асосан, кучланиши 1000 вольтгача ҳамда 1000 вольтдан юқори бўлган электр тармоғи хўжалиги объектлари учун ўрнатилган муҳофаза зоналарида бир қатор ҳаракатларни амалга ошириш учун чекловлар ўрнатилган.

Ўз навбатида, ихтиёрида электр тармоғи хўжалиги объектлари бўлган корхонанинг ёзма розилигисиз электр тармоғи хўжалиги объектларининг муҳофаза зоналари доирасида юридик ва жисмоний шахслар томонидан муайян ишларнинг (ҳаракатларнинг) амалга оширилиши тақиқланган.

Муҳофаза зоналарида муайян ҳаракатларни амалга оширишга ёзма рухсат олган шахслар, ҳаракатларни электр тармоғи хўжалиги объектларининг муҳофазасини таъминлайдиган талабларга риоя этган ҳолда амалга оширишлари шарт.

Бирок, жойларда ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) юқори кучланишли электр узатиш линиялари остида ўрнатиш (жойлаштириш) давом этмоқда. Бу эса, ўз навбатида муҳофаза зоналарида электр тармоғи хўжалиги объектларининг хавфсиз ишлашининг бузилиши, шу жумладан уларнинг шикастланишига ёки йўқ қилиб ташланишига олиб бориши ва (ёки) фуқароларнинг ҳаётига, соғлиғига ва жисмоний ёки юридик шахсларнинг мулкига шикаст етказиши, шунингдек, экологик зарар ва ёнғин келтириб чиқариши мумкин.

Шу муносабат билан Сиздан, мазкур қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда ташқи реклама объектларини (конструкцияларини) ушбу қарор талабларига мослаштириш юзасидан зарур чора-тадбирларни амалга оширишингиз сўралади.

Директор ўринбосари



А. Қурбонов